

Оли Имрон сурасининг бошида илохий китоблар хакида сўз кетади. Шунингдек, Куръони Каримнинг оятлари икки хил, мухкам ва муташабих эканлиги хакида ҳам сўз боради. Мухкам оятлари очик маънога эга оятлар бўлиб, маъносини бир маънодан бошка маънога бўриб бўлмайдиган оятлардир. Муташабих оятлари эса бир неча маъноларга буриб бўлиш мумкин бўлган оятлар. Бунинг илми Аллохнинг хузуридадир. Шу билан бирга илмда мустахам бўлганлар, мухкам ва муташобих илмида мутахассис бўлган олимлар биладилар.

Навбатдаги дуоимиз ана шу илмда мустахамк бўлганларнинг тилидан келади. Калби огиб кетганлар муташобих оятларини чукур англамай, Аллохдан кўркмай огзиларига келганини гапирерадилар. Аммо такводор, хакикий илм эгалари бу нарсада ўта эҳтиёткор бўладилар ҳамда Аллох таолодан ёлвориб сўрайдилар:
Эй Роббимиз, бизни хидоят килганингдан сўнг калбларимизни огдирмагин ва бизга Ўз хузуригдан рахмат ато килгин. Албатта, Сенинг Ўзинг кўплаб ато килувчисан. (Оли Имрон. 8)

Илмда собит бўлган мўмин кишининг холи– шу, у хидоят нима эканини, кандай улуг неъмат эканини жуда яхши тушунади. Шунинг учун хидоятни берган Аллохга ёлбориб, калбини хак йўлига бошловчи хидоятдан огдирмаслигини ўтиниб сўрайди.

«Эй Роббимиз, бизни хидоят килганингдан сўнг, калбларимизни огдирмагин ва бизга Ўз хузуригдан рахмат ато килгин».

Улар Аллох таолонинг «Ваххоб» кўплаб ато килувчи Зот эканлигини ҳам яхши биладилар ва Унинг Ўзидан рахмат ато килишини сўрайдилар:

«Албатта, Сенинг Ўзинг кўплаб ато килувчисан».

Улар ўз Роббиларининг барча халойикни бир куни жамлаб, хисоб китоб килишини ҳам яхши биладилар ва шунинг учун У Зотга бу ҳақда куйидагича ёлборадилар:

«Эй Роббимиз, албатта, Сен одамларни келишига шубха йўк кунда йигувчисан. Албатта, Аллох ваъдага хилоф килмас. (Оли Имрон 9)

«Келишига шубха йўк кун» – киёмат кунидир. Аллох таоло ўша кунда барча одамларни жамлаб, сўрок-саволга тутиб, амалига яраша жазо ёки мукофот беришини ваъда килган. Мўмин бандалар бу ишнинг, албатта, бўлишига каттик ишонадилар. Чунки Аллох ваъдасига хилоф килмайди.

Илмда собит бўлган мўминларга эргашган холимизда ушбу дуолардан яна ҳам кенгрок фойдаланишимиз лозим. Бу фитнага тўла дунёда, балки фитнанинг ўзи бўлган дунёда калбларимиз хар лахзада огиб колиш хатаридан холи эмас. Шундай экан, хар доим, эртаю кеч, кечаю кундуз, айникса, хар хил «Ажойиботлар»ни кўрганимизда, эшитганимизда дарров ушбу дуони килишимиз зарур.

Шарх ибн Хавшаб (розияллоху анху) Умму Салама (розияллоху анхо)га:

«Эй Мўминларнинг онаси! Расулуллох (соллаллоху алайхи васаллам) сизнинг олдингизда бўлганларида аксари дуолари кандок бўлар эди?» деб сўради.

Умму Салама (розияллоху анхо): «У Зотнинг аксар дуолари «Эй калбларни айлантириб турувчи Зот! Калбимни динингда собит кил», эди.

Бас, мен:

«Аллохнинг Расули! Бу дуони бунча хам кўп киласиз-а?» дедим.

«Эй Умму Салама! Калби Аллохнинг икки панжаси орасида бўлмаган бирор одам йўк. Кимни хохласа, коим килади, кимни хохласа, тойдиради», дедилар».

Одинахон Мухаммад Юсуф